

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**Амалий математика ва информатика йўналиши**  
**08.406-гурух битирувчиси Сўфиев Нуриддин Рахмидинович**  
**“Android операцион тизими” мавзусидаги**

# **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

---

**Илмий раҳбари:**

**физика-математика фанлари**  
**номзоди, катта ўқитувчи Д.Қамбаров**

**Фарғона 2012**

## РЕЖА

Кириш

Асосий қисм:

I – боб. Замонавий операцион системалар:

1.1 UNIX операцион системаси

1.2 WINDOWS операцион системаси

1.3 LINUX операцион системаси

II – боб. “Android” операцион тизими:

2.1 Операцион тизимнинг яратилиш тарихи

2.2 Камчиликлари ва афзалликлари

2.3 “Android” операцион тизими асосида ишловчи мобил қурилмалар

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

## К и р и ш

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ёшлари ҳаётига компьютер техникаси жадал суръатлар билан кириб келмоқда. Ёшларимиз ҳаётимизнинг барча соҳаларида компьютернинг имкониятларидан кенг кўламда фойдаланиш кўникмаларига эга бўлмоқдалар.

Маълумки, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарвитлардан тўла ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг сифат босқичи амалга оширилаётган бир пайтда таълим сифатини оширишга қаратилган бир қанча ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ахборот коммуникацион технологияларнинг барча соҳаларга жорий этилиши мутахассисларнинг шу соҳани ўрганиш вазифасини кун тартибига кўймоқда. Таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар билимини жаҳон таълим стандартларига уйғунлашган ҳолда тайёрлаш борасида долзарб муаммоларни ҳал қилиш зарур бўлиб бормоқда. Жумладан, таълимда ахборот технологиялари соҳасидаги педагогик кадрлар тайёрлаш, компьютер ва ахборот технологиялари бўйича амалдаги ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш билан ўз мутахассислигида улардан фойдаланиш услубиётларини ўргатиш ва бу соҳадаги билимларини, ўрнини, рейтингини оптимал аниқлаш кун тартибидаги муаммолардан биридир.

Бу ислохотларни амалга ошириш борасида юртбошимиз ав ҳукуматимиз томонидан бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, жумладан Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2001 йил 23 май 230 – сонли қарори билан “2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, интернет халқаро ахборот тизимига кириб бориш дастури” ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ 3080 сонли фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли қарори “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникацияларини жорий этиш ва қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши” ҳақидаги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2004 йил 20 февралдаги 38 - сонли “Талабаларни интернет тармоғидан фойдаланишга ўргатиш” тўғрисидаги қарорлари ҳаётий вазифаларни белгилаб беради.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2004 йил 24 февралдаги Ҳайъат қарори “Ахборот коммуникацион технологияларни ўқув жараёнларига тадбиқ этиш ” соҳасидаги вазифалар ижроси ҳозирда амалга оширилмоқда.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида масаланинг қўйилиши, мақсади ва вазифалари, масаланинг долзарблиги, илмийлиги ёритилган.

Асосий қисмида эса операцион тизимлар ҳақида умумий маълумотлар, UNIX, WINDOWS, LUNIX операцион тизимлари, уларнинг яратилиш тарихи, вазифалари, ишлаш принципи, принципаал фарқлари шунингдек ҳозирда мобил қурилмаларда кенг фойдаланилаётган “Android операцион тизими” ва ушбу операцион тизими асосида ишловчи қурилмалар ёритилган.

Битирув малакавий иш якунида мавзу бўйича якуний ҳулосалар баён қилинган ва фойдаланилган ахборот ресурслари манбалари келтирилган.

*Масаланинг қўйилиши, мақсади ва вазифалари.* Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади операцион системалар билан танишиш, уларнинг яратилиш тарихи ва ривожланиш босқичларини ўрганиш, уларнинг вазифалари, ўзаро тафовутлари, афзалликларини таҳлил қилиш, “Android операцион тизими” ва ушбу операцион тизими асосида ишловчи қурилмаларни ўрганишдан иборат.

*Масаланинг долзарблиги.* Тақдим этилаётган битирув малакавий ишнинг долзарблиги қуйидагилардан иборат:

- ❖ Мобил қурилмалардан фойдаланиш жараёнига янги операцион тизимларни олиб кириш;
- ❖ Операцион тизимлар гуруҳлари ва гуруҳ вакилларининг афзалликлари ва тафовутларини фарқлай билиш;
- ❖ Фойдаланувчида туридан қатъий назар ихтиёрий мобил операцион тизим билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш

Битирув малакавий ишни бажариш давомида қуйидаги изланишлар олиб борилди:

- Ҳозирги кунда мавжуд энг замонавий операцион системаларнинг тарихи ўрганилди;
- Операцион системалар вакилларини яратилиш тарихи ва ишлаш принципига кўра классификацияланди;
- Операцион тизимлар гуруҳлари ва гуруҳ вакилларининг бир-биридан фарқи ва афзалликлари ўрганилди;
- Мобил операцион тизимларнинг вакиллари билан ишлаш ўрганилди.


## **I - боб. Замонавий операцион системалар**

### **1.1 UNIX операцион системаси**

Жиддий ва мустаҳкам Юникс тарихи Кен Томпсон (Ken Thompson) томонидан ёзилган кичик бир ўйиндан бошланган. Бу фикрни тушуниш учун ўтмишга назар ташлаш керак.

1964 йилда GE-645 русумли компьютер учун янги “Мултикс” номли операцион тизимни яратиш устида ишлар бошланган. Лойиҳанинг ташаббусчиси “Белл лабораториес” компанияси бўлиб, унга ёрдамчи “Женерал Электрик” машҳур компанияси ва Массачусет Технологик Институтути(МТИ) бўлган.

“Мультикс” операцион тизимидан нималар кутилган? Ge-645 улкан ва қимматбаҳо компьютер, унинг ишлаш вақти жуда қимматга тушганлиги сабабли, процессор вақтини бўлиб, кўп фойдаланувчилар биргаликда ишлатишни таъминлайдиган тизим керак бўлган.



GE-645 русумли компьютер

“Мультикс” тизими 1969 йили ишга туширилган, лекин бу дастурий таъминотга қўйилган умидлар ўзини оқламаган. Шу боис кўп ўтмай “Белл Лабораториес” ушбу лойиҳани ривожлантиришга бир неча йил сарфлаганига

карамай, уни тўхтатишга қарор қилади. Ўша пайт компаниянинг тўрт ходими: Руд Кенедей(Rudd Canaday), Даг Макилрой(Doug McIlroy), Денис Ричи(Dennis Ritchie) ва Кен Томсон(Ken Tompson) лойиҳанинг беркитилишига кўникмасдан “Мультикс” тизимини кучайтирмоқчи бўлишади. Улар янги дастурлар ҳамда янги файл тизимини яратишади. Қўшимча равишда, хордиқ чиқариш мақсадида Ge-645 учун Томсон тарафидан “Коинотга саёҳат” номли ўйин яратилган, лекин лойиҳа беркитилгач, ҳамкасблар уни ўйналмай қолишади. Бурчакда кам ишлатиладиган PDP-7 компьютер топилгач, Томсон ва Ричи ўйинни шу компьютерга ўтказишга қарор қилишади. PDP-7 компьютери учун файл тизими ва буйруқлар қобиғини ишлаб чиқаришганда янги операцион тизим пайдо бўлади ва унга Брайн Керниган (Brian Kernighan) Мултиксга ўхшаш ном – Юникс (UNICS - Uniplexed Information and Computing Service – кейинчалик UNIX) беради.



PDP-7 компьютери

Компьютер тарихининг бошланиш даврида барча дастурий таъминот ассемблер тилида муайян ҳисоблаш машина учун ёзилиб, бошқа компьютерларда ишламаган. Бундай муаммони бартараф қилиш учун Томсон турли компьютерларда ишлайдиган операцион тизимни тузиш мақсадида янги Би (“В”) номли дастурлаш тилини яратишга уринади. Бу ишни Ричи охиригача етказди ва янги, универсал дастурлаш тилига Си (“С”) номини беради. Кейинчалик бу тил кўп йилларга асосий дастурлаш тилига айланиб, жуда катта ҳурматга эга бўлади ва “дастурлаш тилларининг Қироли” номини олади.

“Белл Лабс” компаниясига Томсон ва Ричи яратган операцион тизим ёқиб, 1971 йили лойиҳани давом еттириш учун янги PDP-11 компьютер сотиб олади. Бу компьютер учун Юникс операцион тизим тўлиқ Си тилида қайта ёзилганда, бошқа компьютерларга ҳам Юниксни кўчириб, ўрнатиш имконияти пайдо бўлади.



Томсон ва Ричи PDP-11 компьютерда ишлашяпти

1974 йили Томсон ва Ричи “Communications of the ACM” журналада Юникс операцион тизими ҳақида биринчи мақолани нашр этишади. Улар Юникснинг умумий тузилиши ҳақида маълумотлар беришади. 1974 йил июль ойи ҳолатига 600 та компьютерга ўрнатилган деб ёзишади. Бу рақамларни тасаввур қилиш учун яна ўтмишни эслаш керак. У даврларда компьютер катта бойлик ҳисобланган ва уни фақат катта ташкилотлар сотиб олган. Компьютер матн териш, ёхуд мустика эшитиш эмас, балки муайян саноат масалаларини ҳал қилиш учун харид қилинган.



1999 йили Томсон ва Ричи АҚШ миллий мукофоти билан тақдирланган

Бу мақоладан сўнг Юникс тизими билан кўп илмий-тадқиқот ташкилотлар қизиқиб қолади. Қизиққанларга Томсон операцион тизимнинг дисклар тўпламини бепул тарқатади. Натижада Юникс тизими учун янги ривожланиш тўлқинлари содир бўлади. Масалан, Йел университет талабалари буйруқлар қобиғи (shell) ни ишлаб чиқишади, бошқа университет талабалари Юникс асосида биринчи компьютерлар тармоғини яратишади. Беркли университет талабалари жуда кўп дастурлар ва янги буйруқлар киритиш қобиғини яратишади. Ўша вақтда машҳур бир дастур яратилиб, ҳозиргача фаол ишлатилмоқда, бу - “vi” матн тахрирловчиси. Беркли

университетида операцион тизимнинг ўзгарган шакли BSD (Berkeley Software Distribution) номини олиб, ҳозирги FreeBSD номли донгдор операцион тизимнинг бошланиши бўлган.

1980 йили DARPA агентлигига ARPANET (Internet аждоди)тармоғини ривожлантириш учун қувватли компьютерлар керак бўлган. Янги компьютерларга TCP/IP баённомасини амалга оширадиган операцион тизим керак бўлганлиги учун DARPA агентлиги BSD тизимини танлаган. Бўлган воқеа Юникс ривожланишига ижобий таъсирини ўтказган ва у Интернетнинг асосий тизимига айланиб қолган. Шундай қилиб, 80 йилларда Юникс тизими ривожланиб, унинг жуда кўп турлари яратилган. Тарихда ҳатто “Юникс урушлари” деган термин вужудга келган.

Юникс операцион системаси машҳур Линукс операцион системасининг пойдеворидир.

## 1.2 WINDOWS операцион системаси

**Операцион тизим ва унинг вазифаси.** Операцион тизим компьютер ишга туширилиши билан юкланувчи шундай дастурки, бу дастур фойдаланувчига компьютер билан мулоқот қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади, унинг барча қурилмалари ишини бошқариш имконини беради. Операцион тизим ёрдамида тезкор хотирадан фойдаланиш, дисклардаги ахборотларни ўқиш ёки дискларга йиғиш, амалий дастурларни ишга тушириш ва шу каби ишларни амалга ошириш мумкин. Умуман олганда, операцион тизимлар компьютердан фойдаланишни осонлаштирувчи тизим дастурларининг ядросини ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда турли операцион тизимлар мавжуд: UNIX, WINDOWS, LINUX, MACINTOSH, WARP, OS/2 ва ҳоказо. Фойдаланувчи ўз қизиқишлари ва имкониятларидан келиб чиқиб у ёки бу операцион тизимдан фойдаланади. Операцион тизимлар ичида энг қудратлиси UNIX операцион тизими ҳисобланади. Юникс(Unix) – кўп фойдаланувчиларга мўлжалланган операцион тизимдир. Ушбу операцион тизим тармоқлар, хусусан TCP/IP протоколлар билан ишлаш борасида ҳозирда ўзига тенг рақобатчига эга эмас. Бошқа операцион тизимлар, жумладан WINDOWS операцион тизими ҳам бу борада унга мурожаат қилишга мажбур. Операцион тизимлар ичида ҳозирда тез тараққий этаётган ва фойдаланувчилари сони жадал ортиб бораётган, шунингдек бепули, “**эркин ва очик**” операцион тизим LINUX тизими ҳисобланади. “**Эркин ва очик**” дегани бу – дастурнинг коди очик ва ундан эркин фойдаланса бўлади дегани, яъни ихтиёрий фойдаланувчи-дастурчи бевосита система билан ишлаш жараёнида унга ўзгартириш киритиши мумкин.

Ҳозирда операцион тизимлар ичида монополия ўрнатган операцион тизим MICROSOFT фирмаси томонидан яратилган WINDOWS операцион тизими ҳисобланади. Ушбу тизим вакиллари билан танишиб чиқамиз.

WINDOWS сўзи – “ойналар” деган маънони англатади. Чунки бу операцион тизимда барча амалларнинг бажарилиши ойналарда акс этади,

дастурлар, папкалар ўз ойналарига эга ва ҳақозо ҳамма йўқ ойна, ойна ва яна ойна. Бу операцион тизимлар оиласининг дастлабки вакили бўлиб MS DOS (Microsoft disk operation system) ҳисобланади.

MS DOS операцион тизими (ОТ) нографик операцион тизим бўлиб, IBM фирмаси буюртмасига мувофиқ Microsoft фирмаси томонидан 1981 йилда яратилган ва IBM PC туридаги компьютерларда кенг фойдаланилган. Ушбу операцион тизимда амаллар ОТ буйруқ каторидан, ёки қобиқ-программа панелларидаги иерархик мулоқот менюларидаги керакли опцияни танлаш билан амалга оширилган. Ҳозирги вақтда барча фойдаланувчилар компьютерда Windows операцион тизимларидан фойдалансада, MS DOS ОТда яратилган дастурлар ҳанузгача қўлланилмоқда.

MS DOS ОТнинг асосини IO.SYS, CONFIG.SYS, AUTOEXEC.BAT ва MS DOS.SYS дискли файллари ташкил этади, улар компьютернинг доимий хотирасида жойлашган.

MS DOS операцион тизимининг ҳанузгача қўлланилиб келишининг асосий сабаблари қуйидагилардир:

- шахсий компьютерларда қўлланилаётган асосий юқловчи операцион тизим файллари шикастланганда уни қайта тиклашда;
- оригинал ўрнатувчи пакетлар йўқолганда тизимни қайта ўрнатишда;
- жорий қаттиқ дискни бўлақларга ажратишда ва бошқалар.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, MS DOS нинг буйруқлари тизими бузилган дисклардаги маълумотларни нусхалаш ва тиклашда муҳим рол ўйнайди. WINDOWS нинг охириги авлод операцион тизимларида яна DOS га эътибор кучайтирилди. MS DOS нинг вакиллари билан танишайлик. Унинг MS DOS 1.0, MS DOS 2.0, MS DOS 3.0, MS DOS 3.2, MS DOS 5.0, MS DOS 6.22 каби вакиллари мавжуд. Улардан фойдаланувчилар ичида эътибор қозона олганлари MS DOS 1.0, MS DOS 3.2, MS DOS 5.0, MS DOS 6.22 версиялари ҳисобланади. MS DOS 1.0 дан то MS DOS 3.2 гача 12 лик FAT (file allocation table – файлларнинг жойлашиш жадвали) системада ишлаган. MS DOS 5.0 ва MS DOS 6.22 лар 16 лик FAT системада ишлаган. 16 лик

дегани, яъни 16 бит ахборот ҳажмли дегани, яъни бир каталогда 60000 та папка яратиш имконияти мавжуд дегани.

80-йиллар ўрталарида MICROSOFT компанияси ўзининг WINDOWS 1.0, WINDOWS 3.1, WINDOWS 3.11 каби қобиқ дастурларини яратди. Уларда FAT 16 лик бўлиб, уларни алоҳида, мустақил операцион тизим деб аташ мумкин эмас эди, чунки улар компьютерга DOS орқали юкланган, мустақил ўзи юкланмаган, яъни дастлаб DOS юкланган, сўнг у WINDOWS ни юклаган.

Операцион тизимлар яратиш соҳасида ҳақиқий инқилоб WINDOWS 95 операцион тизимининг яратилиши билан боғлиқ. WINDOWS 95 операцион тизими 1995 йилнинг 1 мартида яратилган. Ушбу операцион тизим қисман 32 лик FAT системада ишлаб, MS DOS дан фарқли ўлароқ, график операцион тизимдир. У ўзининг интерфейсига (ойнасига) эга, компьютерга DOS нинг кўмагисиз бевосита юкланади. Бу ҳақиқий операцион тизим эди. Тизимнинг виртуал хотираси 4ГБ га етказилган. Бу операцион тизим асосида COMMON OBJECT MODEL - умумий объект модели ётади. Унинг афзаллиги шундаки, унда программалар учун умумий муҳит яратилган, бир вақтнинг ўзида бир нечта программалар бир муҳитда ишлатилади, бирга ишлатилиш вақтида улар бир-бирини инкор қилмайди, аксинча бир-бирини маъқуллайди, танийди, программалар орасида маълумот алмашиш таъминланади. Натижада бир программа асосида яратилган маълумотни иккинчисига олиб ўтиш, унда қайта ишлаш имконияти мавжуд бўлади. Масалан, EXCEL даги маълумотни WORD га олиб ўтиш ва қайта ишлаш каби имкониятлар яратилган.

Сўнгра 1998 йили ушбу туркумдаги такомиллашган WINDOWS 98 операцион тизими яратилди. 1999 йили MICROSOFT компанияси ўз фойдаланувчиларига совға сифатида янги минг йилликка бағишланган WINDOWS – Me (mellenium (лотинча) – янги минг йиллик) операцион тизимини тақдим этди. Ушбу операцион тизим WINDOWS 95, WINDOWS 98

операцион тизимлар туркумига кириб, уларнинг анча такомиллашган версиясидир.

Операцион тизимлар оламидаги навбатдаги инқилоб WINDOWS NT (New Technology – янги технология) нинг яратилиши билан боғлиқ. WINDOWS NT тўла FAT 32 лик системада ишлаган. У олдинги тизимлардан кўп функциялилиги билан ажралиб туради. Асосий фарқи тармоқ билан ишлашга мўлжалланган. Олдинги операцион тизимларда ҳам тармоқ билан ишлаш имконияти бўлган, лекин WINDOWS NT да бу жараён мукамал шаклга келтирилган. Яъни олдинги тизимларда тармоқ билан ишлаш учун алоҳида доступ (рухсат) талаб қилинса, WINDOWS NT да тармоқ билан ишлаш система ядросига (негизига) киритилган. Яна бир фарқи система химояланган, яъни системага “доступ” қўйиш имконияти мавжуд бўлган. Асосий фойдаланувчи (яъни администратор) системага доступ қўйса, ушбу доступсиз системага бошқа фойдаланувчилар киришининг иложи бўлмаган. Доступ WINDOWS 95, WINDOWS 98, WINDOWS Me ларда ҳам бўлган лекин уларда доступни бузиш муаммо эмас эди. WINDOWS NT нинг WINDOWS NT 1.0, WINDOWS NT 2.0, WINDOWS NT 3.0, WINDOWS NT 4.0 каби версиялари мавжуд бўлган. Уларнинг энг мукамали WINDOWS NT 4.0 эди.

WINDOWS NT операцион тизими асосида ҳозирда бир қатор мукамаллаштирилган операцион тизимлар ишлаб чиқарилган. WINDOWS операцион тизимлар оиласининг кейинги вакиллари WINDOWS NT нинг янги версиялари ҳисобланади.

WINDOWS NT асосида яратилган WINDOWS 2000 операцион тизими WINDOWS NT нинг 5.0 версияси ҳисобланади.

Сўнгра WINDOWS XP операцион тизими яратилди. У WINDOWS NT нинг 5.1 версияси ҳисобланади. WINDOWS XP нинг SP1 (service park1), SP2(service park2), SP3(service park3) каби версиялари мавжуд.

Ундан сўнг яратилган WINDOWS VISTA операцион тизими WINDOWS NT нинг 6.0 версияси ҳисобланади. Ушбу операцион тизимнинг

номи географик жой номи билан боғлиқ. Ушбу янги операцион тизимни яратиш учун жалб қилинган дастурчилар гуруҳи Австриянинг дам олиш зоналаридан бирида меҳнатдан ажралмаган ҳолда дам олишган. Шу ерда жойлашган Виста тоғи шарафига янги операцион тизим номланган.

WINDOWS оиласининг ҳозирда фойдаланилаётган энг охириги операцион тизими WINDOWS 7 дир. Ушбу операцион тизим бошқа операцион тизимлардан барча соҳаларда мукамаллиги билан ажралиб туради. WINDOWS 7 операцион тизими WINDOWS NT нинг 6.1 версияси ҳисобланади.

Куни кеча 2011 йилнинг 1 июнида MICROSOFT компанияси томонидан янги операцион тизим WINDOWS 8 расман эълон қилинди. Унга кўра ушбу операцион тизимнинг дунё юзини кўриши 2012 йилнинг охирларига мўлжалланган.

**2.**

### 1.3. LINUX операцион системаси

Бугунги кунда мустақил давлатимиз фан ва тараққиётнинг юксалишига алоҳида эътибор бериб, ривожланган давлатлар қатори ҳаракат қилмоқда. Айниқса, ахборот технологияларининг тараққий этиши компьютер соҳаси ходимларини қувонтирмоқда. Бу соҳани янада ривожлантириш учун янги, юксак технологияларнинг кириб келишини таъминлаш зарур.

Дунёда шахсий компьютерларни унумли ишлатиш учун янги тизимлар пайдо бўлмоқда. Масалан, 2001 йилда чиққан барчага таниқли, машҳур “Майкрософт” фирмасининг Windows XP операцион тизими ўрнига Windows Vista тизими кириб келиши, ҳамда янги Windows 7 тизимининг яратилиши ҳақидаги маълумотлар ҳаммани қойил қолдирыпти. Лекин “Майкрософт” компания тизимларидан ташқари, бошқа тизимларнинг борлиги ва улардан Линукс номли тизимнинг ривожланиб келиши ҳам маълум. Ўзбекистон диёрида Линукс операцион тизими ҳақида эшитмаган компьютер фойдаланувчилари бўлмаса керак, бироқ кўпчилик учун бу мавзу нотаниш ва қандайдир ҳижолатли бўлиши мумкин. Дунёда эса Линукс – энг тез тараққий этаётган операцион тизимига айланганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирда, ҳатто йилига икки мартаб янгиланиб чиқаётган Линукснинг турли тизимлари ҳам мавжуд. Шу қаторда, Франциядан чиқаётган “Mandriva” номли операцион тизимни тарқатиш тўплами (дистрибутиви) Линукс турдаги операцион тизим бўлиб, 2003 йилдан бошлаб ўзбек тилига ўгирилиб келмоқда. “Mandriva” асосида “Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказ”ида янги операцион тизим “DOPPIX” тузилиши, миллий ахборот технологиялар мутахассисларини қизиқтириб, шод этмоқда. Лекин миллий операцион тизим яратилаётган ва оммавий ахборот воситаларда бу ҳақида хабарлар тарқатилаётган бир вақтда Линукс операцион тизимининг тарихи ўзбек тилида етарли равишда ёритилган эмас.

Тарихда Линукснинг икки ўтмишдоши маълум, бу Юникс(Unix) –кўп фойдаланувчиларга мўлжалланган операцион тизим, ҳамда ГНУ(GNU)

лойихаси. Юникс(Unix) операцион тизимини юқорида кўриб ўтганлигимиз сабабли, ГНУ(GNU) лойихасига тўхталамиз.

Линуксинг иккинчи пойдевори – ГНУ лойихасидир. Вақт ўтиб, Юникс XX асрнинг 80-йилларида қимматбаҳо тижорат маҳсулотга айланиб қолган еди. Дастурчилар махфий гуруҳларга бўлиниб, бир-бирларидан янгиликларни сир тутишган. Бу ҳолатга қарши чиққан Массачусетс Технологик Институтининг талабаси ва хакери Ричард Столмен эркин ва очик операцион тизимни яратишга киришади.



Ричард Столмен

Хакерларнинг “Барча маълумот эркин ва очик бўлиши керак” деган маълум таълимотининг тарафдори Столмен ўзининг лойихасига ГНУ номини беради. ГНУ – рекурсив: “GNU - Not UNIX”, ўзбекча маъноси: “ГНУ – Юникс Эмас” қисқартмаси демакдир. Рекурсив дегани – ГНУ номи очилса, “GNU - Not UNIX” чиқади, ГНУ қисқартмаси қайта очилса яна ўша “GNU - Not UNIX” деган маъно чиқаверади. Бу эса – хакер дастурчиларнинг ном беришда қандайдир хазил, оригинал усули бўлади. Янги тизим учун Юникс асос қилиниб олинган бўлса ҳам, Столмен лойиха номи билан Юниксдан жиддий равишда фарқланишини таъкидламоқчи бўлган. У лойихани 1983 йил 27 сентябрда бутун дунёга эълон қилган. Эълоннинг тўлиқ матнини куйидаги манзил бўйича кўриш мумкин:

<http://www.gnu.org/gnu/initial-announcement.html>.



ГНУ лойиҳасининг эмблемаси

Лойиҳанинг биринчи босқичида Столмен ўз олдида кўп тизимларда ишлайдиган компилятор (дастур йиғувчи) яратиш масаласини қўйяди. Компилятор – инсоний тилда ёзилган дастурни компьютер тилига ўгирувчи дастурдир. Лекин ҳаммага аён: компьютерда оддий матнни ёзиш учун ҳам муҳаррир дастури зарур. Шундай қилиб, лойиҳанинг ичида биринчи яратилган дастур – Emacs матн муҳаррири бўлган. Emacs муҳаррири билан бошқа дастурчилар ҳам қизикқанларида, Столмен хоҳловчиларга почта орқали дастурни 150 доллар пул эвазига жўнатган.

1985 йили Столмен лойиҳа маблағини бошқариш учун Еркин дастурий Таъминот Фондини (Free Software Foundation - FSF) ташкил қилади. Бу жамғарма орқали яратилаётган дастурлар сотилиб, хайр-эҳсонлар қабул қилинади ва тўпланган маблағлар лойиҳани қўллаб-қувватлашда сарфланади. Шу ерда айтиб ўтиш лозим: “эркин ва очик” дегани бу – дастурнинг коди очик ва у билан эркин фойдаланса бўлади, лекин тарқатилиниши пулли бўлиши мумкин. FSF яратилганидан сўнг, лойиҳага бир нарса етишмаган бу – ҳуқуқий ҳимоя.



FSF эмблемаси

1989 йил февраль ойида ГНУ нинг маҳсулотларини ҳуқуқий ҳимоялаш мақсадида Умумий оммабоп лицензияси (ГНУ General Public License, ёки GPL) эълон қилинган. Бу лицензиянинг моҳиятини тушуниш учун уни стандарт муаллифлик ҳуқуқлари билан солиштириш мумкин. Оддий муаллифлик ҳуқуқларида яратилган маҳсулотни ўзгартириш, нусха олиш, сотиш каби амалларни фақат эгадор ҳал қилиши, унинг розилиги бўлиши кафолатланган. Бундай ҳолат яна COPYRIGHT номи билан машҳур.



COPYRIGHT эмблемаси

GPL лицензиясининг моҳияти оддий муаллифлик ҳуқуқларига тескари бўлиб, ҳужжат билан ҳимояланган маҳсулотларни кераклигича ўзгартириш, нусха олиш, ўзга шахсларга тарқатиш ёки ўзгартирилган турларини GPL лицензия асосида сотиш учун барчага руҳсат берилган. Уни яна “GPL – Guaranteed Public For Life” (“Ҳаёт учун оммабоплиги кафолатланган”) деб тушинтиришади. Оммабоп лицензия билан ҳимояланган дастурий таъминотдан нусха олиш эркин ёки COPYLEFT номи билан ҳам маълум.



## COPYLEFT эмблемаси

1990 йилларга келиб, ГНУ лойиҳаси ичида эркин операцион тизим ҳосил қилиниши учун асосий қисмлар яратилган эди. Emacs таҳрирловчисидан ташқари, Столмен янги дастурларни яратувчи “gcc” (GNU C Compiler) компилятор ва дастурларни тўғриловчи “gdb” созловчини ишлаб чиқди. ГНУ асосчиси машҳур дастурчи бўлиб, бир ўзи тижорат дастурлаш гуруҳларидан ўтиб, ҳақиқатдан такомиллаштирилган ва ишончли компилятор яратди. Ҳаттоки ҳозирги кунда ҳам gcc компилятори деярли барча операцион тизимларга мослаштирилиб, амалда фаол ишлатилмоқда.


Бу даврда ГНУ лойиҳага қўшилган бошқа дастурчилар ҳам жуда кўп фойдали дастурлар ишлаб чиқишган. Улардан иккитасини алоҳида қайд қилиш мумкин: Си кутубхонаси ва “shell” қобиғи. Си тилининг амалий кутубхонасини ГНУ ҳодими Роланд Макграс ҳосил қилган. яна бир дастурчи Брайян Фокс компьютерни бошқариш учун фойдаланувчини операцион тизим билан боғловчи, ўзаро мулоқотини таъминловчи машҳур BASH (Bourne Again Shell) қобиғини яратган.

Демак, 90 йилларда ГНУ тизимини яқунлаш учун фақат битта асосий қисми – ядро етишмаган эди. Юта штати университетида “Hurd” номли ядро ишлаб чиқарилиши кутилган. Лекин тасодифий инкилобчи, ёш фин талаба Линус Торвальдс сахнага чиқади.

1980 йилларда пайдо бўлган Microsoft операцион тизими билан қуролланган шахсий компьютерлар 1990 йилларга келиб, компьютер бозорида устунликка эришди. Шахсий компьютерларнинг техник

имкониятлари етарли қувватга эга бўлмай Юникс турли тизимларини бундай компьютерларда қўллаб бўлмас эди. Модомики, шахсий компьютерларнинг имкониятлари шиддатли равишда ўсар экан, бундай компьютерлар учун Юникснинг турли тизимлари пайдо бўлиши табиий хол бўлган.

1987 йили Линукс тизимининг яратилишига ўзига хос ҳиссасини қўшган, голландиялик профессор Андрю Таненбаум Юникс ўз тизимини яратади. Тизимга муаллиф Миникс номини бериб, уни шахсий компьютерларда ўқув куроли сифатида ишлатишни тавсия қилади. Албатта, Миникс мукамал ва бенуксон операцион тизим бўлмаган, лекин унинг дастлабки коди очик бўлиб, Таненбаумнинг “Операцион тизимлар” китобида тизимнинг ишлаш жараёнлари батафсил ёритилган. Бу эса операцион тизимни ўрганишни хоҳловчилар учун бебаҳо ўқув қўлланма бўлган, шунинг учун Европа олийгоҳларининг талабалари бош кўтармай Миникс тизимининг 12 000 келтирилган сатр кодини астойдил ўрганишган. Шундай талабалар қатори Линус Торвальдс бўлган.



профессор А.Таненбаум ва унинг китоби.

Линус Бенедикт Торвальдс (1969 й. туғилган) Финляндия пойтахти Хелсинки университети компьютер фанлари факультетининг талабаси бўлиб, профессор Таненбаум китобини сотиб олган. “Тасодифий инқилобчининг хикояси” хотираномасида Линус: “Кириш қисмини ўқиганимдаёқ, Юникс моҳиятига тушуниб, уни қудратли, мустаҳкам ва гўзал операцион тизим

эканлигига иқрор бўлганман, ҳамда ўша заҳотиёқ Юникс ишлай оладиган компьютер сотиб олгим келган,” - деб ёзади[7].



Линус Торвальдс

1991 йили Линус бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан Интел 80386 процессори асосида янги компьютер сотиб олади. Компьютерга Миникс операцион тизимини ўрнатиб, мириқиб бир ой ўрганади, лекин фойдаланиш жараёнида унда тизимнинг ишлашига жуда кўп шикоятлар пайдо бўлади. Улардан асосийси масофадан ишлаб маълумот киритувчи терминал қисмидир. Бу қисм ёрдамида Линус уйдан университет компьютерига уланиб, янгиликлар ўқимоқчи бўлган. Бу муаммони ечиш учун ёш хакер ўзининг терминали, шахсий дастурини ёзишга киришади. У Миникс тизимига таянмаган ҳолда, компьютернинг аппарат қисмларига мувофиқ янги, мустақил дастур яратади. Модомики, яна, файлларни университетдан уйга тортиб олмоқчи болганлиги сабабли, йўл-йўлакай янги файл тизимини яратади.

Миникс тизимида нафақат масофадан киритиш қисми ёмон ишлар, балки ишлаётган дастурни вақтинча фойдаланмасдан, бошқа дастурни ишга тушириш имконияти ҳам йўқ еди. Тизимнинг бу камчилигини тўғрилаш учун Линусга бошқа, ҳақиқатдан янги операцион тизим тузиш керак бўлади. Дастлаб, у системали чақирувларини (янги тизим қисмларини) кетма-кет дастурлашга уринади. Лекин маълумот етишмаганли ва чақирувларни

кўплиги сабабли Линус ишни уддалай олмай, ўзининг операцион тизимининг ядроси билан Интернетда эркин тарқатилаётган `bash` – буйруқлар қобик дастурини ишга туширмоқчи бўлади. Қобик дастур ишга тушаётган вақтда тизимнинг керакли қисмига мурожаат қилинганда тўхтаб қолиш содир бўлган. Бу ҳолда ёш хакер ўзи яратган тизимнинг етишмовчи қисмини аниқлаб, бартараф этган. Натижада, иш жуда қизиқарли жараёнда олиб борилиб, 1991 йилнинг август ойи охирларида қобик дастури ишга тушади. Бу натижа жуда катта аҳамиятга эга бўлади, чунки Линус мураккаб қобик дастурини ишга туширгач, яна бир неча керакли дастурларни ясашга муваффақ бўлади. Шундай қилиб, янги операцион тизимнинг асослари тайёр бўлади.

1991 йил 25 августда Торвальдс ўзининг тажрибалари ҳақида `comp.os.minix` конференцияга хабар беради:

Hello everybody out there using minix -

I'm doing a (free) operating system (just a hobby, won't be big and professional like gnu) for 386(486) AT clones. This has been brewing since april, and is starting to get ready. I'd like any feedback on things people like/dislike in minix, as my OS resembles it somewhat (same physical layout of the file-system (due to practical reasons) among other things).

I've currently ported `bash(1.08)` and `gcc(1.40)`, and things seem to work. This implies that I'll get something practical within a few months, and I'd like to know what features most people would want. Any suggestions are welcome, but I won't promise I'll implement them :-)

Linus (torvalds@kruuna.helsinki.fi)

PS. Yes - it's free of any minix code, and it has a multi-threaded fs. It is NOT protable (uses 386 task switching etc), and it probably never will support anything other than AT-harddisks, as that's all I have :-).

Хабарда Линус бепул операцион тизимни яратгани, қандай дастурлар тайёрлаганлиги ва яна қандай дастурлар керак бўлиши ҳақида маслаҳат сўраб ўзади. 17 сентябрь куни эса серверга эркин кўчириш учун янги тизимнинг 0.01 рақамли нақлини кўяди. Линус операцион тизимга FREENIX номини бермоқчи бўлганда, Ари Лемке фтп серверида бошқалар кўчиришлари учун кўйилган тизимнинг файллар жилдига pub/OS/Linux деб ном беради. Кейинчалик айна шу тизимни Linux(Линукс) номи билан аташади.

1992 йилнинг февраль ойида Линус, қизиқишга, Линукс тизимни ишлатган ва ишлатаётган фойдаланувчиларга почта орқали очиқ хат жўнатишларини сўрайди. Натижада, дунёнинг ҳар томонидан юзлаб очиқ хат келади. Линукснинг ишқибозлари Янги Зелландия, Япония, Голландия, АҚШ мамлакатларида борлиги аён бўлади. Линукс ядроси барча хоҳловчиларга GNU GPL лицензияси остида тарқатилгани сабабли, тизимнинг муҳлислари кескин равишда кўпайиб бораверади. Лойиҳанинг бошида Линусга юзлаб, кейин минглаб, кейинроқ еса юз минглаб кўнгилли ёрдамчилар тизимни яхшилашга кўмак бера бошлайди. Линукс GNU лойиҳасининг доирасига кириб, жуда кўп дастурлар билан тўлдирилади ва хакерлар ўйинчоғидан амалда қўлланиладиган жиддий операцион тизимга айланади. Ҳозирги кунларда янги операцион тизимнинг номи “GNU/Linux” деб ҳам аталмоқда.




Линус Бенедикт Торвальдс

1996 йил Интернетда бир неча Линукс фойдаланувчилари янги операцион тизимнинг эмблемасини (тамғасини) танлашни таклиф қилишади. Маслаҳатлашиш жараёнида Торвальдс пингвинларни ёктиришини билдирганида баҳслашув тўхтаталиб, фақат пингвин ҳайвонининг тасвирлари танловда қолдирилади. Линус хоҳиши бўйича эмблемада пингвинча қорни тўқ ва бахтли қўринишда бўлиши керак. Техас штати университетининг илмий ходими Ларри Ивингнинг (Larry Ewing) графикаси танлов ғолиби деб топилган. Тасвир яратилиши ҳақида батафсил маълумот олиш учун Интернетнинг қуйидаги саҳифасини тафсия қилишади: <http://www.sjbaker.org/tux/>.



Ларри Ивинг


Шундай қилиб, расман Линукс операцион тизимнинг эмблемаси бўлиб “Тукс” (Tux) номли пингвинча қабул қилинган. Пингвинлар худди нимча, жилет кийгандай бўлганликлари учун эмблемадаги тасвирга Тукс – tuxedo (инглизчадан – “жилет”) номи берилган. Лекин бошқа тушунтируви ҳам мавжуд: (T)orvalds (U)ni(X) --> TUX!



TUX – Линукс эмблемаси.

## II - боб. “Android” операцион тизими

### 2.1 Операцион тизимнинг яратилиш тарихи



Android 4.0 Ice Cream Sandwich операцион системаси базасида Samsung Galaxy Nexus смартфонни ишчи столи

Ишлаб чиқарувчи

Google Inc., Open Handset Alliance

Биринчи версияси	<u>23 сентябрь 2008 йил</u>
Охириги версияси	4.0.4 Ice Cream Sandwich — <u>28 март 2012 йил</u>
<u>платформалар</u>	<u>ARM, MIPS, POWER, x86</u>
<u>Ядро тип</u>	<u>Монолит (Linux)</u>
<u>Лицензия</u>	<u>GPLv2 — kernel</u> <u>ASLv2 — user-space<sup>[1]</sup></u>
Ҳолати	Долзарб
<u>Веб-сайт</u>	<u>android.com openhandsetalliance.com</u> <u>code.google.com/android/</u>

**Android** – Linux ядроси асосида ишловчи коммуникаторлар, планшет компьютерлар, нетбуклар, смартфонлар учун мўлжалланган портатив (тармоқ) операцион системаси. Даствлаб Android Inc. компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, сўнгра Google томонидан сотиб олинган. Охири оқибат Google платформанинг кейинги ривожланиши устида изланишлар олиб борувчи Open Handset Alliance (ОНА) альянсини ташкиллади. Android Google библиотекалар ёрдамида Java иловалар яратиш имконини беради. Android Native Development Kit СИ ва бошқа дастурлаш тилларида ёзилган иловалар яратади.

Android платформаси учун махсус Droid ва Roboto ўрифтлар оиласи яратилган. Android 1.5 версиясидан бошлаб ҳар бир операцион тизимнинг номи бирин бир ширинлик номи билан боғлиқ. Android 1.5 Cupcake («кекс»), Android 1.6 Donut («пончик»), Android 2.0 Eclair («глазурь»), Android 2.2 Froyo («музлатилган йогурт»), Android 2.3 Gingerbread («пряник»), Android 3.0 Honeycomb («асал»), Android 4.0 Ice Cream Sandwich («брикетли музқаймоқ») ва ҳақозо. Биринчи иккиси даствлаб роботлар номига қўйилган, лекин кейинчалик ширинликлар номига алмаштирилган. 2011 йилнинг

февраль ойидаги маълумотларга кўра Android операцион тизими асосида ишловчи қурилмалар Apple iOS базасида ишловчи iPhone 4 қурилмаларни ортида қолдирган ҳолда Буюк Британиядаги энг машҳур смартфонлар рўйхатини бошқарган. Мутахассисларнинг фикрига кўра бу Android операцион тизимининг мобил операцион тизимлар бозорида глобал лидердикка кўйган дастлабки қадамидир. Ҳар ҳафтада Android фойдаланувчилари сони 4,4 % фоизга ортимоқда.

## **Android операцион тизимининг яратилиш тарихи**

### 2005 йил

- июль —Google компания Android Inc.ни сотиб олди

### 2007 йил

- 5 сентябрь — мобил қурилмалар учун очиқ стандартларни ишлаб чиқарувчи (ОНА) альянсининг яратилганлиги эълон қилинди. Ҳозирда Open Handset Alliance (ОНА) 34 та компанияни бирлаштиради, улар орасига йирик уяли алоқа операторлари T-Mobile, уяли алоқа ишлаб чиқарувчилар HTC, Intel, Sprint Nextel, KDDI, NTT DoCoMo, China Mobile, микросхема ишлаб чиқарувчилар Broadcom, Marvell, NVIDIA, Qualcomm, SiRF, Texas Instruments, LG, Motorola, Samsung Electronics, шунингдек ахборот технологиялари соҳасидаги гигант ва альянснинг асосий ташаббускори Google компанияси киради. Open Handset Alliance (ОНА) билан бирга Linux ядроси асосида ишловчи Android очиқ мобил платформа тақдим қилинди.
- 12 ноябрь — Android «Early Look» SDK тақдим этилди.

### 2008 йил

- 18 август — ОНА янги версия SDK 0.9 beta тақдим этди.
- 23 сентябрь —Google компанияси T-Mobile уяли алоқа оператори ва HTC билан бирга Android 1.0 базасида ишловчи дастлабки қурилма смартфон T-Mobile G1 (HTC Dream) ни тақдим этди.

### 2009 йил

- 30 апрель — Android 1.5 (Cupcake) расман эълон қилинди.
- 15 сентябрь —Android 1.6 (Donut) расман эълон қилинди.
- 26 октябрь —Android 2.0 (Eclair) ишлаб чиқилди.

- 3 декабрь — Android 2.0.1. эълон қилинди.

#### 2010 йил

- 12 январь — Android 2.1. эълон қилинди.
- май - Android 2.2 (FroYo) эълон қилинди.
- декабрь — 2.3 (Gingerbread) эълон қилинди.

#### 2011 йил

- 22 февраль — Android 3.0 (Honeycomb) ишлаб чиқилди.
- 15 августа — Google Motorola Mobility телекоммуникация корпорацияси директорлар совети билан корпорацияни 12,5 млрд долларга сотиб олиш ҳақида битим тузди.
- 9 сентябрь — Android 5.0 Jelly Bean ҳақида дастлабки миш-мишлар.
- 19 октябрь — Android 4.0 Ice Cream Sandwich тақдим этилди.

### **SDK версияларининг яратилиши**

#### 2007 йил

- 12 ноябрь — SDK m3-rc20a
- 16 ноябрь — SDK m3-rc22a
- 14 декабрь — SDK m3-rc37a

#### 2008 йил

- 12 февраль — SDK m5-rc14
- 3 март — SDK m5-rc15
- 18 август — SDK 0.9 Beta
- 23 сентябрь — SDK 1.0 r1
- Ноябрь — SDK 1.0 r2

#### 2009 йил

- Февраль — SDK 1.1 r1
- Апрель — SDK 1.5 r1
- Май — SDK 1.5 r2
- Июль — SDK 1.5 r3
- Сентябрь — SDK 1.6 r1
- Декабрь — SDK 1.6 r2
- Октябрь — SDK 2.0 r1
- Декабрь — SDK 2.0.1 r1

#### 2011 йил

- Октябрь — SDK 4.0.1 r15
- Декабрь — SDK 4.0.2 r16
- Декабрь — SDK 4.0.3 r17

#### 2012 йил

- Март — SDK 4.0.4

## 2.2 Android операцион тизимининг камчиликлари ва афзалликлари

### Камчиликлари:

- Android 1.6 версиясида ишлаб чиқарувчилар C++ дастурлаш тилида Native Development Kit linux-библиотекалардан фойдаланган ҳолда система учун ўзининг шахсий модулларини (иловаларини) яратиш имконини берувчи Native Development Kit ни қўшишди. Шундай бўлсада, Bionic Android платформасидаги СИ дастурлаш тилининг стандарт кутубхонаси аслида стандарт эмас ва деб аталувчи. Хатта, асосан, [стандартная библиотека языка Си](#) libc. Билан тўла мос тушмайди.
- Google Play ва бошқа Google хизматларга кириш учун фойдаланувчи иловаларни фойдаланувчи фақат Google билан шартнома имзолагандан сўнггина ўрнатилади.
- Android рақобатчилари системани ишлаб чиқарувчиларга тўсик яратилишида фрагментация қўллашда айблаб чиқишди. Google табиийки, баъзи айбловларни инкор этди, бироқ барибир фрагментация жараёнида юзага келувчи муаммоларни ҳал этиш юзасидан восита ишлаб чиқарди.
- Google нинг фақат [Open Handset Alliance](#) иштирокчилари ёки индивидуал шартнома тузган фойдаланувчилар учунгина маълум Android 3.0 *Honeycomb* операцион тизиминингш кодини эълон қилмаслик қарори танқидга учради. Google буни платформанинг тўла тайёр эмаслиги ва уни эҳтиётсизлик билан амалиётга киритишнинг олдини олиш сифатида изоҳлади.
- Google нинг маълумотида кўра Android 3.0 коднинг ёпиқлиги вақтинчалик. Бироқ Android 2.x ва Android 4.0. ларнинг кодлари тўла очик.

- Apple inc асосчиси [Стив Джобс](#) Android ни қуйидагича танқид қилган: «Мен охирги нафасим қолгунча ва Apple банк счегида охирги цент қолгунча уларнинг айбини очиш учун курашишга тайёрман...Мен Android ни яқсон қилмоқчиман, чунки у ўғирланган маҳсулот». Ҳечкимга сир эмаски, Apple корпорацияси ва хусусан Стива Джобснинг Google компанияси мобил операцион тизимига нисбатан фикри бир тарафламадир. Анча вақтлардан буён Android-қурилмалар ишлаб чиқарувчилар томонидан у ёки бу патентларнинг бузилиши юзасидан судлов жараёнлари бўлиб ўтмоқда. Apple компанияси вакиллари ўзларининг Android асосида ётувчи технологиялар корпорациядан [Купертинода](#) ўғирланган деган фикрида қатъий туришибди. НТС Android-смартфоннинг тақдим этилиши биланоқ Apple корпорацияси раҳбарларининг ғазабга миншини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин. Агар Стив Джобснинг бевосита ўз иштироки ва розилиги остида ёзилган биографиясига ишонадиган бўлсак, Apple компанияси асосчиси ва собиқ бош директори ўзининг фаолияти ва компания маблағларини унинг фикрича тўғридан-тўғри ўғирликнинг яққол намунаси бўлган Android-платформаларни йўқ қилишга бағишламоқчи бўлган.Бундан ташқари 2010 йилда Стив Джобс Google экс-бош директори Эриком Шмидт (Eric Schmidt) билан муаммони тинч йўл билан ҳал қилиш борасида музокаралар олиб борган. Бироқ, якунига етмаган суд жараёнларининг давом этиши ушбу учрашувларнинг ижобий натижа бермаганлигини кўрсатади. «Мен сизларнинг пулларингизни ҳоҳламайман», — дейди Джобс учрашувда.— «Агар сиз менга 5 миллиард доллар берсангиз мен уларни олмайман. Менинг пулларим кўп. Мен бизнинг ғояларимизни Android да қўлламаслигингизни ҳоҳлайман, бу менинг ягона тилагим.».
- Lookout Security Mobile нинг маълумотларига кўра 2011 йиднинг ўзида Android-смартфонлар фойдаланувчиларидан миллиона америка доллари атрофида маблағ ўғирланган.

### **Афзалликлари:**

- Баъзи шарҳловчилар Android веб-сёрфинг, Google Inc. хизматлари билан интеграцияда ўзини асосий рақобатчиси бўлган , [Apple iOS](#) га нисбатан яхшироқ намоён қилаётганлигини таъкидлашмоқда.
- Android, дан фарқли равишда очик платформа бўлиб, бу фойдаланувчига кўпроқ функцияларни амалга ошириш имконини беради.
- [Apple iOS](#) ва [Windows Phone 7](#)дан фарқли равишда Android да [FTP-сервера](#) реализацияси кенг қўлланилади.
- Android қурилмаларда одатда [MicroSD-кардриддер](#) мавжуд бўлиб, у файлларни компьютердан телефонга тез кўчириб ўтиш имконини беради.
- “Текширилмаган манбалар” дан (масалан, хотира картасидан) бегона дастурларни кўчиришга қўйилган дастлабки огоҳлантиришларга қарамадан, ушбу чекловни телефоннинг созлаш қисмидаги махсус буйруқлар ёрдамида олиб ташлаш мумкин. Бу телефон ва планшетларга интернетга уланмасдан туриб дастурларни ўрнатиш имконини беради, шунингдек барча ҳоҳловчиларга Android учун бепул тарзда иловалар яратиш ва ўз телефонида синаб кўриш имконини беради. Бу каби амаллар iOS и Windows Phone 7 да сиз яратган иловангизни кейин тарқатиш ниятингиз борми ё йўқми рўйхатдан ўтишни талаб этади. Бошқа тарафдан бозорни чеклаб ўтган ҳолда дастурларни ўрнатиш лицензиясиз “пират” дастурларни кўпайишига олиб келади.
- Android турли қурилма платформалари учун яроқли.

### **Мукофотлар ва ютуқлар:**

PC Magazine нашри Android 4.0 Ice Cream Sandwich операцион системасига «Редакция танлови» мукофотини тақдим этди. Бунда операцион

системанинг янги версияси платформага бир қатор янгиликларни олиб кирганлиги, жумладан смартфон ва планшет системалар ўртасидаги тафовутни йўқ қилганлиги эътироф этилди.

2012 йилнинг мартида [«Ведомости»](#) газетаси Android планшет компьютерлар сотиш бўйича Россия бозорида ўзининг асосий рақобатчиси Apple га нисбатан олдинга чиқиб олганлигини маълум қилди. Бунга сабаб Apple ўз янги маҳсулотлари тақдимотини бир неча ойлаб ортга сурганлиги бўлди.

## 2.3 “Android” операцион тизими асосида ишловчи мобил қурилмалар

Ҳозирда Android операцион тизими мобил қурилмалар оламида энг кенг тарқалган операцион тизимлардан бири ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда Android қурилмаларнинг тўла рўйхати келтирилган. Жадвалда қурилма модели, экрани ўлчами, операцион тизим версияси, процессор архитектураси, процессора/чипсет модели, процессор частотаси, видеотезлаткич модели келтирилган.

Модель	Экран	Android	Проц. арх	Процессор / Чипсет	Видеотезл.
				Qualcomm	
3Q Surf QS0701B	480x800	2.3	ARMv6	MSM7227T, 800 MHz	Adreno 200
3Q Tablet PC Qoo! TS1003T	600x1024	2.2	ARMv7	Nvidia Tegra 2, Cortex-A9, 1000 MHz	Nvidia Tegra 2
3Q Tablet PC Qoo! TS1004T	600x1024	2.2	ARMv7	Nvidia Tegra 2, Cortex-A9, 1000 MHz	Nvidia Tegra 2
Acer beTouch E110	240x320	1.5	ARMv7	ST-Ericsson PNX6715, 416 MHz	
Acer beTouch E120	240x320	1.6	ARMv7	ST-Ericsson PNX6715, 416 MHz	

<b>Модель</b>	<b>Экран</b>	<b>Android</b>	<b>Проц. арх</b>	<b>Процессор / Чипсет</b>	<b>Видеотезл.</b>
				ST-Ericsson	
Acer beTouch E130	240x320	1.6	ARMv7	PNX6715, 416 MHz	
Acer beTouch E140	240x320	2.2	ARMv6	Qualcomm MSM7227, 600 MHz	Adreno 200
Acer beTouch E210	240x320	2.2	ARMv7	ST Ericsson PNX6715, 416 MHz	
